

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ БД-1.09

2011 йил “8” 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2011 йил
17 сентябрдаги 392-сон буйруғи билан
тасдиқланган

TAJRIBA-SINOV

**МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР
ФАНИДАН НАМУНАВИЙ
ДАСТУР**

(бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ-2011

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган.

Ушбу дастур “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Тажрибавий дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий тарбия” бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

- | | |
|------------------|---|
| Назаров Қ. | - фалсафа фанлари доктори, профессор (ДЖҚА) |
| Саифназаров И. | - фалсафа фанлари доктори, профессор (ТДИУ) |
| Мамашокиров С. | - фалсафа фанлари доктори, профессор (ЎзМУ) |
| Шермухамедова Н. | - фалсафа фанлари доктори, профессор (ЎзМУ) |
| Тўйчиев Б. | - фалсафа фанлари доктори, профессор (ЎзМУ) |
| Ўтамуродов А. | - фалсафа фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ) |
| Тоғаев Ш. | - фалсафа фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ) |

Такризчилар:

- | | |
|-----------------|--|
| Шермухамедов С. | - фалсафа фанлари доктори, профессор,
ЎзФА академиги (ЎзМУ) |
| Норкулов Д. | - фалсафа фанлари доктори, профессор (ТТА) |
| Тўраев Ш. | - фалсафа фанлари номзоди, доцент (РМҒМИАМ) |
| Валиев Б. | - фалсафа фанлари номзоди, доцент (ТИУ) |
| Тўхтаев Х. | - фалсафа фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ) |

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-услубий кенгаши томонидан тавсия этилган. (2011 йил 19 августдаги 1-сон баённома)

К И Р И Ш

XXI асрда кечаётган глобал интеграция жараёнлари, дунёнинг ғоявий-мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур услубини тақозо қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистонда таълимнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор берилиб, ўқитилаётган фанларнинг мазмунини замон талабларига мослаштирилиши бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу "Таълим тўғрисидаги" Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазибаларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, талаба ёшларимизни Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсата оладиган, мустақиллигимизнинг моҳиятини ва қадрини англайдиган, уни ҳар қандай хавф-хатардан асрашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган, муайян мутахассисликни, касб-хунарни чуқур эгаллаган, мустақил, эркин фикрлайдиган, маънавий ва жисмонан баркамол инсонни тарбиялаш учун олий таълим тизимида гуманитар ва ижтимоий фанларнинг дастурларини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бу эса ёшларда тарихий воқеликка объектив баҳо бериш ва тўғри хулоса чиқариш малакаларини шакллантиришни талаб қилади. Зеро, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмади - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси"¹ дир.

Демак, обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган халқимиз тараққиётининг ғоявий тамойилларини, мамлакатимиз ҳаётида устивор бўлаётган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғуларини шакллантиришга ёрдам берадиган мавзуларни ўрганиш "Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг мазмун-моҳиятини белгилайди

Мазкур фан доирасида «Миллий ғоя» ва «Миллий мафкура» тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти, намён бўлиш хусусиятлари, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, ёшлар қалби ва онгида бузғунчи ва вайронкор ғояларга нисбатан огоҳлик ва хушёрлик хусусиятлари шаклланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилади. Миллий ғоялар ва мафкуралар тизими, "ғоявийлик", "ғоясизлик", "мафкуравий фаолият", "мафкуравий жараёнлар", "мафкуравий таъсир", "мафкуравий майдон ва полигонлар", "мафкуравий инқироз", "ғоявий бўшлиқ", "мафкуравий профилактика", "мафкуравий иммунитет" каби тушунча ва атамаларнинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш билан боғлиқ масалалар мажмуи ҳам ушбу фаннинг асосий мавзулари доирасига қиради.

"Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар" – мустақиллик йилларида ўрганиш имкони очилган янги фанлардан биридир. Мазкур фаннинг мақсади эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон бир миллат ва жамиятнинг узокқа бора олмаслигини, ҳар қандай халқ ва давлат ўз тараққиётининг ғоявий-мафкуравий тамойилларини белгилаб олиши зарурлиги ижтимоий жараёнларнинг муқаррар қонунияти эканлигини ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришдан иборатдир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. – Б. 62

Бу эса келажакимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, ва ниҳоят, юртимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол ғоясини чуқур ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирди. «Ушбу таълимотни қандай зарурат шакллантирди?» ва «Ундан кўзланаётган мақсад-муддаолар нима?» - деган саволларга жавоблар Президентимиз Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларидаги фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топди. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғояси тасодиф эмас, балки ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит назариядир. Шу маънода, у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурияти, қонуний ҳосиласи, халқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир. Бу эса, ўз навбатида, «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар» - деган фикрнинг ҳаққонийлигини исботлайди.

Биз ушбу ҳаёт ҳақиқатини ёшлар қалби ва онгига сингдиришимиз лозим. Бу таълим тизими олдига ғоявий тарбияни кучайтиришга доир ўқув дастурлари ва адабиётларнинг янги авлодини яратиш вазифасини қўйди. Мазкур дастурни яратишда таълим тизимининг барча бўғинларида миллий ғояни ўрта мактаб, лицей, коллежларда ўқитишнинг мавжуд дастурлари таҳлил қилиниб, олий таълимда уларнинг такрорланиши бартараф этилди.

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг қонун-қоидалари, тушунча ва тамойилларини ўргатишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини талабаларнинг қалби ва онгига сингдириш;

- ёшларда ғоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши, уларнинг халқлар ва давлатлар тараққиётига таъсири, ҳозирги замоннинг мафкуравий манзараси, бузғунчи ғояларнинг таъсиридан ҳушёр ва огоҳ бўлиш шартлари ва мезонлари ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;

- ўқув машғулотларини олиб боришда талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш, таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириш, таълимнинг эскича услуб ва тамойилларни қўллаш натижасида фаннинг кадрсизланишига йўл қўймаслик;

- таълим жараёнида тазйиқ ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътибор қаратиш.

Булардан ташқари ғоялар фалсафасининг мазмун-моҳиятини тушунтиришда ўқитувчи ва тингловчилар орасида ўзаро ҳамфикрлик ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётий мисоллар, бугунги дунёда рўй бераётган воқеалар таҳлилидан, матбуот материалларидан кенг фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда миллий ғоя ва мафқуранинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда ижтимоий воқеликка мустақил муносабатини шакллантириш, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш ғоясининг ижтимоий-маънавий моҳиятини ёшлар онгига сингдиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари:

- ёшларнинг ижтимоий фаолиятида муқобил ғоя ва мафқураларга оқилона муносабатни;

- халқ орасида миллий ғояни тарғиб-ташвиқ қилиш малакасини;

- ғоявий мафқуравий жараёнларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга мустақил ёндашувни шакллантиришдан иборатдир.

Фан бўйича билим, кўникма ва малакага қўйиладиган талаблар

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- миллий ғоя ва мафқуранинг мазмун-моҳиятини билиш ва улардан амалиётда фойдаланиш;

- миллий ғоянинг тарихий негизларини, фалсафий асосларини ўрганиш ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш;

- ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги муқобил ғояларни қиёсий таҳлил қилиш ва уларга мустақил муносабат билдириш;

- ғоявий-мафқуравий жараёнларга доир назарий билимларни амалий ҳаётда қўллаш;

- ёшларда маънавий таҳдидларга қарши курашиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатидан узвий кетма – кетлиги

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, маънавият асослари, сиёсатшунослик, педагогика, психология каби ижтимоий-гуманитар фанлар билан бевосита алоқадор.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўрганиш орқали эгалланган билимлар ёшларнинг мафқуравий иммунитетини, сиёсий маданияти, огоҳлигини оширишга, ижтимоий жараёнларни таҳлил қилишга ўргатади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш жараёнида мантикийлик, тарихийлик, объективлик тамойилларига амал қилингани ҳолда таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этишнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш, айниқса, “Ақлий ҳужум”, “ФСМУ”, “Кейс-стадис”, “Бумеранг”, “Кластер”, “Матбуот конференцияси” каби методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Асосий қисм

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

“Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг предмети: ғоя - инсоният тараққиётининг ҳаракатлантирувчи омили, ҳаётий мақсадлар ифодаси. Бунёдкор ва вайронкор, дунёвий ва диний ғоялар, уларнинг мазмуни. Бунёдкор ғояларда гуманистик тенденцияларнинг ифодаси. Ғояда эҳтиёжлар ва манфаатлар мутаносиблиги. Ғоя ва мафкуралар муқобиллигининг йўналишлари. Ғояларнинг интеллектуал асосларини ривожлантириш муаммолари. Ғоялар ривожланишида сиёсий етакчиларнинг роли.

Мафкура тушунчасининг мазмуни. Мафкуранинг элементлари: мўлжал, эмоциялар, хулқ-атвор, уларнинг индивидуал ва жамоавий характери. Мафкуранинг функциялари: интеграциялаштирувчи, йўналтирувчи, таъсирчанлик, тарбиявий, ташкиллаштирувчи, гносеологик, праксиологик, прогностик, баҳолаш (кадриятли), футурологик, химоя қилувчи. Мафкуранинг шакллари: анархия, монархия, тоталитаризм, либерализм, демократия. Либерал ва тоталитар мафкураларнинг зиддияти. Демократияга асосланган мафкуранинг устиворлиги.

Миллий ғоя тушунчаси, унинг тузилиши ва намоён бўлиш хусусиятлари. Миллий ғоянинг умуминсоний мазмуни. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоя ва мафкуранинг роли. Президент Ислоҳ Каримов асарлари-миллий ғоя ва мафкуранинг илмий-услубий асоси. Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва этник бирликларни ягона ғоя атрофида бирлаштиришнинг тарихий зарурияти. Миллий ғояда ўз-ўзини англаш, миллий ғурур ва ифтихорнинг намоён бўлиш хусусиятлари. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” - миллий мафкуранинг бош ғояси. Уни амалга оширишнинг асосий ғоялари: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик. Бош ва асосий ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик. Миллий ғоянинг гуманистик характери.

Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ғояларнинг дифференциаллашуви. Миллий тараққиёт ғояларининг индивидуал ва ижтимоий кўринишлари. Мафкуравий жараёнларни назарий билиш ва амалий ўзгартириш муаммолари.

Жамиятнинг ижтимоий табақаланиш жараёнига мафкуравий таъсир. Муайян ғояларнинг доминантлашуви ва уларнинг оқибатлари. Мафкуравий жараёнларда демократик тамойилларнинг намоён бўлиши. Ғоя, мафкура ва миллий ғоя тушунчаларининг ижтимоий-сиёсий моҳияти, уларнинг умумийлиги ва фарқлари.

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг тарихий илдизлари, шаклланиш босқичлари

Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар намоён бўлишининг асосий босқичлари. Тарихий тараққиёт жараёнида ғоя ва мафкураларнинг ўзгарувчан характери. Президент Ислон Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” китобида ғоялар тарихи ва фалсафаси, миллий ғоянинг мазмун-моҳияти, шаклланиши ва намоён бўлиши ҳақида.

Мифология, теология ва халқ маънавий-маданий қадриятларида миллий ғоя ва мафкуранинг ифодаланиши. “Авесто” ва Зардуштийликда ғоялар такомилли.

Ғарб мамлакатларида илк ғоявий қарашлар ва уларнинг такомил босқичлари. Сократ, Платон, Аристотел, Гераклит, Пифагор ва бошқа мутафаккирларнинг ғоялари ва уларнинг аҳамияти. Афина ва Рим империяси ғоялар тизими ва мафкураси.

Шарқ ва Марказий Осиёда ғояларнинг намоён бўлиши, уларнинг гуманистик моҳияти. Ўрта Осиёда ислом дини ғояларининг ёйилиши. Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино меросида ғоялар масаласи. Темурийлар даври ғоялари, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобурнинг миллий ва умуминсоний ғоялар тўғрисидаги фикрлари.

Ғарб мамлакатларида ғоявий қарашларнинг такомил босқичлари. Европа илк ўрта асрлар ва Ренессанс даври ғоялари. Христианлик ғоялари. Христианликнинг салб юришлари. Томазо Кампанелла, Томас Морнинг “Қуёш шаҳри” ҳақидаги утопик ғояси. Маркс ва Энгелснинг социализм ғояси таназзули. Европада ўрта асрларда умумий макон, миллий мумтозлик, империял, колониал ва миллий тараққиёт йўллари тўғрисидаги ғоялар.

XV-XVII асрлардаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва XVIII ва XIX асрлардаги янги замон ғояларининг шаклланиши. Ўрта Осиёда XVI-XVIII асрлардаги хонлик ва амирликлар даврида ғоялар тизими. XIX аср охири ва XX асрнинг 90 йилларида шаклланган ғоялар тизими.

Мафкуранинг XIX аср ўрталаридан бошланган такомил босқичлари. Ғоя ва мафкура муаммосига объектив, субъектив, эволюцион ва инқилобий, сиёсий ёндошувлар. XIX аср охири ва XX аср мафкураси, унинг ўзига хос хусусиятлари. Деидеология ва реидеология йўналишлари. XX асрнинг охири – XXI аср бошидаги мафкуравий жараёнлар.

Совет даврида коммунистик партия ғояларининг гегемонлиги ва унинг оқибатлари. Социализм тузумининг ғоявий инқирозида миллий ўз-ўзини англашнинг ўрни. Шўролар даврида мафкуравий катағоннинг ғожиавий оқибатлари. Департация (қувғин) қилинган халқларнинг маънавий-рухий ҳолати ва уларда миллий ўзликни сақлашнинг тарихий жиҳатлари.

Мустақиллик – миллий ғоя фанининг бош мавзуси. Маънавий жасорат- миллат ғояси ва руҳининг ифодаси.

Миллий ғоя, ижтимоий тараққиёт ва мафкуравий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги

Ижтимоий тараққиёт ва тарихий жараёнларнинг миллий ғоялар шаклланиши ҳамда амал қилишига таъсири.

Миллий ғоя халқнинг тарихий тараққиёти асоси. Миллий ғоя ўз-ўзини англашнинг маҳсули. Миллий ғоя моҳиятида халқ манфаатининг ифодаланиши.

Миллий ғоя ва мафкурани ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, ҳуқуқий омиллари. Ғоя ва мафкураларнинг ижтимоий тараққиётдаги роли. Ижтимоий-сиёсий тузумлар ўзгаришида ғоявий-мафкуравий қарашларнинг аҳамияти. Мафкуравий мерос ва унда ворисийликнинг намоён бўлиши.

Тарихий хотира ғоя ва мафкуранинг ривожланишидаги ижтимоий маънавий омил. Мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий онг шаклларидаги инъикоси. Индивидуал онгда мафкурага муносабатнинг турли даражалари. Мафкура ва ғояларнинг кундалик воқелик билан узвийлиги. Ахлоқ ва мафкура, дин ва мафкура, санъат ва мафкура мутаносиблиги. Ижтимоий жараёнларнинг йўналишлари: иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа ғояларнинг ўзаро муносабати.

Сиёсат ва мафкуранинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи. Сиёсатнинг мафкуралаштириш ва мафкуранинг сиёсатлаштириш оқибатлари. Мафкура амал қилишининг психологик ва ижтимоий-сиёсий механизмлари. Сиёсий ижтимоийлашув ва сиёсий тарбия муаммоси.

Миллий ғояда менталитетнинг намоён бўлиши. Менталитетнинг фикрлаш услуби ва қадриятлар билан боғлиқ элементлари. Миллий ва умуминсоний ғояларнинг индивидуаллиги ва умумийлиги, интеграцияси ва дифференциацияси.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти жараёнида янги ғояларнинг такомиллашув жараёни, унда авлодлараро ворислик ва янгиланишнинг намоён бўлиши. Янги ғоялар тизимидаги устувор тамойиллар, уларни амалга оширишнинг долзарб вазифалари. Истиқлолга асосланган янги ғоялар тизимини такомиллаштириш, унинг маънавий таъсирчанлиги ва мафкуравий самарасини ошириш усуллари ва йўллари.

Ғоявий таҳдидларнинг йўналишлари

XXI асрда мафкуравий муносабатлар кескинлашувининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий сабаблари. Президент Ислом Каримов мафкуравий таҳдидлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ҳақида. (Ўзбекистон XXI асрга интилоқда, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асари асосида)

Шовинизм, геноцид, фашизм, неофашизм, неоконмунизм, ирқчилик, диний экстремизм, фундаментализм, терроризм ғояларининг реакцион моҳияти ва уларга қарши курашнинг тарихий зарурияти. Терроризмнинг шакллари: минтақавий ва халқаро терроризмнинг ғоявий-мафкуравий асослари.

Маҳаллийчилик, миллатчилик, уруғ аймақчилик, коррупцияга қарши кураш мафкуравий мустақиллик кафолати.

Мафкурадаги мутлоқ жамоавий ва мутлоқ индивидуал ёндашувларнинг салбий оқибатлари. Евроосиё ва Шарқ мафкурасининг хусусиятлари.

Жаҳон молиявий инқирозининг мафкуравий жараёнларга таъсири. XX асрда мафкуравий ҳамкорликнинг аҳамияти, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий асослари ҳамда миллий, худудий ва умумбашарий даражалари.

Мафкуравий тажовуз ва ахборот хавфсизлиги

Мафкуравий тажовуз ва унга қарши миллий хавфсизликни таъминлаш зарурати. Жамиятнинг мафкуравий муқобиллашиш сабаблари. Мафкуравий гегемонизмнинг вужудга келиши. Гегемонизмнинг шакллари. Муқобил мафкуравий қарашларнинг жамият ривожланишига таъсири ва уларни мувофиқлаштириш имкониятлари.

Мафкуравий таҳдиднинг ошқора ва ёпиқ характери. Ахборот хавфсизлиги ва биологик хавфсизликнинг мутаносиблиги. Ахборот коммуникацияларида мафкуравий хуружларнинг намоён бўлиши ва унга қарши ҳимоя (профилактика) воситалари. Интернет мафкуравий хуруж объекти. Виртуал мафкуравий хуружнинг оқибатлари. Ахборот хуружига қарши ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг зарурияти ва аҳамияти. Минтақавий ва глобал ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлигининг локал ва глобал аҳамияти. Ахборот хавфсизлигининг ижтимоий маданий мерос билан боғлиқлиги ва унинг янги воқеликка мутаносиблиги. Геосиёсий манфаатлар ахборот хавфсизлиги омили. Биосиёсатда ахборот хуружларига ирсий муносабатнинг намоён бўлиши.

Мафкуравий фаолият - миллий ғояни амалга ошириш воситаси

“Мафкуравий муносабатлар” тушунчаси, унинг мазмун –моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари. Миллий ғоянинг ижтимоий субъектлар орасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти.

Мафкуравий фаолият” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари. “Ҳар қандай мафкуравий фаолият-муайян ғояни амалга ошириш жараёнидир” тамойили – идеологик аксиома. Мафкуравий фаолият тизими, унинг элементлари. Мафкуравий фаолиятни ташкил қилишнинг усуллари ва йўллари. Ғоядан мафкурага, ундан амалий фаолиятга томон бориш диалектикаси. Мафкуравий фаолият мақсадли ва мўлжалли ҳаракат сифатида. Мафкуравий фаолиятда индивидуализм ва ижтимоийликнинг намоён бўлиши. Формализм, компаниябозлик, қоғозбозлик кабиларнинг маънавий-мафкуравий оқибатлари.

Бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафкуравий фаолият тамойиллари: яратувчанлик, гуманизм, плюрализм, толерантлик, эзгулик томон ҳаракат. Вайронкор ғоялар асосидаги бузғунчилик, ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга мойиллик каби мафкуравий фаолият тамойилларига қарши курашнинг зарурлиги.

Мафкуравий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий технологиялари. Оммавий ахборот воситалари, интернет ва бошқа ахборот воситаларининг мафкуравий фаолиятдаги ўрни.

Мафкуравий фаолиятда миллий ғояни аҳоли онгига сингдириш, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларининг намоён бўлиши.

Глобаллашув жараёнида мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифалари

Ҳозирги даврда дунёнинг мафкуравий манзараси. Мафкуравий муносабатларнинг технологик ва интеллектуал асослари.

Мафкуравий таҳдидларга қарши кураш усуллари ва воситалари. Шўро сиёсий мафкурасининг расмий андозаларидан, унинг шиорлари ва рамзларидан воз кечилишининг объектив сабаблари. “Оммавий маданият”нинг оқибатларига нисбатан иммунитетни шакллантиришнинг зарурияти.

Президент Ислом Каримов “Мафкуравий майдон” тушунчасининг шаклланиш ва намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида. Турли кўлам ва манзарага эга бўлган мафкуравий майдонларда хилма- хил ғоя ва мафкуралар тўқнашуви, зиддияти ва ўзаро ҳамкорлигининг акс этиши. Мафкуравий майдонни ташкил этувчи омиллар, воситалар ва ғоявий манбалар. Мафкуравий майдонлардаги ғоявий таъсир ва акс таъсир жараёнлари, уларга хос хусусиятларни аниқлаш имкониятлари.

“Мафкуравий полигон” тушунчаси, унинг намоён бўлиш хусусиятлари. Мафкуравий полигонларнинг захираси, таъсир кўрсатиш усуллари ва воситалари. Мафкуравий полигонларнинг ядро полигонларидан хавфлилик сабаблари. Мафкуравий полигонларнинг ғоявий хуружи ва уларнинг асл мақсад-муддаоларини аниқлаш усуллари.

Мафкуравий полигон ва мафкуравий профилактиканинг ижтимоий сиёсий зарурияти. Мафкуравий жараёнларнинг миллий тараққиётга ижобий ва салбий таъсири. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни кескинлаштиришнинг ғоявий мақсадлари.

Мафкуравий жараёнларнинг миллат менталитетига, сиёсий онгига, диний эътиқодига, ижтимоий руҳиятига маънавий-маданий савиясига таъсири.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари. Билим халқ маънавиятида мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг назарий асоси. Билимни амалиётда қўллаш малакаларини ривожлантириш воситалари. Индивидуал онгда ғоя ва мафкурага муносабатни шакллантиришда ижтимоий муҳитнинг роли ва унинг интеллектуал асослари. Мафкуравий иммунитет ва сиёсий маданият мутаносиблиги. Мафкуравий иммунитетда ақл теранлиги ва хулқ атворнинг намоён бўлиши.

Мамлакатдаги иқтисодий барқарорликнинг мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги ўрни. Сиёсий хушёрлик ва сиёсий маданият мафкуравий иммунитетнинг муҳим омили. Ташқи сиёсий воқеликка нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистон халқаро мавқеини мустаҳкамлашнинг мафкуравий, ижтимоий тарихий аҳамияти ва зарурияти

Жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий-ғоявий асослари

Жамият барқарорлигини таъминлашда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий - маънавий омилларнинг муштараклиги.

Миллий ғоянинг этносиёсат ва этномаданият ривожига таъсири. Ўзбекистонда миллий сиёсатнинг амалга оширилиши ва унда этник бирликлар манфаатлари ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий ва ижтимоий асослари. Ўзбекистонда яшаётган этник бирликлар тафаккурида миллий ғояга садоқатни шакллантиришнинг объектив ва субъектив омиллари. Мамлакатда миллатлараро (тотувлик), ҳамкорлик, ва динлараро бағрикенглик, (толерантлик) - ижтимоий барқарорликни таъминлаш шарти, унинг сиёсий ва қонуний-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда давлатнинг бош ислохотчилик роли. "Ўзбекистон - ягона ватан" ғояси барқарорликни таъминлашнинг назарий асоси.

Ўзбекистонда миллий маданий марказларнинг ташкил қилиниши миллатлараро барқарорликни таъминлаш воситаси. Маданий мулоқот кўп миллатли аҳоли орасидаги барқарорлик омили. Тил маданий мулоқот ва барқарорликнинг муҳим воситаси.

Ўзбекистонда расмий тан олинган диний конфессиялар фаолиятининг миллатлараро тотувликни таъминлашдаги роли. 2007 йилда "Тошкент - ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинишининг тарихий аҳамияти. Тошкент Ислом университети ва Тошкент Ислом институтининг аҳоли онгида динга муносабатни шакллантиришдаги роли.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви ва сиёсий мавқеи мустаҳкамланишида миллатлараро ва динлараро толерантликни мустаҳкамлаш тажрибаларининг демократик характери ва халқаро аҳамияти.

Мустақиллик ва ҳуқуқ, демократия ва ошкоралик - миллий ўз-ўзини англаш, ахлоқий янгиликлар, миллий маънавий тикланишнинг асоси. “Бу муқаддас ватанда азиздир инсон”, “Буюк ва муқаддасан мустақил Ватан” ғояларининг ижтимоий маънавий аҳамияти.

Дунё мамлакатларида яшовчи этник бирликларнинг миллий ўзлигини англаши учун яратилаётган шарт шароитларнинг мафкуравий аҳамияти. Баъзи мамлакатларда миллат ва элатлар камситилишининг оқибатлари.

Айрим МДХ давлатларида сиёсий институтлар ва лидерларга халқ ишончи йўқолишининг сабаблари. Дунё мамлакатларидаги беқарорлик сабаблари. Беқарорлик ҳукмрон мамлакатларда қочоқларнинг аҳволи.

Дунёда тинчлик ўрнатишда барқарор демократик тараққиёт, эркинлик, ижтимоий-сиёсий ҳамкорлик, миллий ва диний тотувлик ғояларининг устувор аҳамияти.

Тафаккур ўзгариши ва маънавий янгиликларда миллий ғоянинг роли

Бозор муносабатларига ўтишнинг инсон тафаккурига таъсири. Тафаккурга жамият, мактаб, оила ва тарбияни амалга оширувчи бошқа омиллар таъсирининг ўзаро нисбати. Миллий ғоянинг тафаккур консерватизмини бартараф қилишдаги ўрни.

Тараққиётнинг миллий моделлари ва уларнинг мазмуни. “Ўзбек модели”-эволюцион тараққиёт ғоясининг гуманистик характери. Ижтимоий онг ва тафаккур янгиликларига миллий тараққиёт моделининг ижобий таъсири.

Миллий ғоя қонун устуворлигига асосланган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий омилли. Давлат бошқарувини демократлаштириш ва жамият ҳаётини модернизациялашнинг ғоявий асослари. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили, унинг барча соҳалардаги маънавий янгиликлар ва тафаккур ўзгаришидаги ўрни ва аҳамияти.

Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. Истиқлол йилларида маънавий тикланиш ва юксалиш соҳасидаги ислохотлар жараёни. Президент Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарининг янги дунёқараш ва замонавий тафаккурни шакллантиришдаги аҳамияти. Юксак маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар.

Миллий ўзликни англаш ва маънавий юксалишнинг стратегик ва тактик вазифалари. Президент Ислам Каримов асарлари - миллий маънавий тараққиёт ғоясининг концептуал асоси ва уларнинг аҳамияти. Мафкуравий муносабатларда миллий ва умуминсоний манфаатлар бирлигини таъминлаш имкониятлари.

Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобининг тафаккур янгиликларига таъсири. Миллий ғоя- маънавий янгиликларнинг назарий ва амалий асоси. Баркамол авлод тарбиясида мафкуранинг таъсирчанлик ролини ошириш вазифалари.

Миллий ғояни ривожлантиришнинг институционал тизими

Дунёнинг элитар мафкуравий тизими. Ғоявий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларига комплекс-системали ёндашиш тамойиллари.

“Мафкуравий тарбия” тушунчаси, унинг мазмуни ва намоён бўлиш хусусиятлари. “Мафкуравий таъсир”, “мафкуравий тарбия” ва “мафкуравий профилактика” тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги. “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида маънавий тарбия, эзгу ғояларга ишонч ва садоқатни тарбиялаш масалалари. Мафкуравий тарбия тизими, унинг субъекти ва объекти.

Мафкуравий тарбиянинг йўналишлари ва ижтимоий функциялари. Ғоя ва мафкуралар соҳасидаги плюрализм ва толерантликни тарбиялаш. Ижтимоий субъектлар, турли қатламлар, партиялараро муносабатлар уйғунлигини сақлаш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда мафкуравий тарбиянинг аҳамияти.

Таълим-тарбия тизимида миллий ғояни ривожлантириш имкониятлари. Миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдиришнинг янги педагогик-дидактик технологиясини такомиллаштириш вазифалари. Таълим-тарбия тизимида адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маданий ва маърифий муассасалар фаолиятларини мувофиқлаштиришнинг устувор йўналишлари.

Ижтимоий институтларнинг анъанавий, индивидуал, жамоавий мафкуравий функциялари. Миллий ғояни ривожлантиришда оммавий ва сиёсий ташкилотлар, оила, маҳалла, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ролини оширишнинг аҳамияти.

Ғоя ҳақидаги тасаввурларнинг интеллектуал фаоллик даражалари, унда сиёсий воқеликнинг мантиқий изчил ва асосли манзарасини яратиш мўлжаллари. Сиёсий хаёл, сиёсий тасаввурларни қайта ишлаш ва ижодий ўзгартириш йўллари.

Миллий ғоя ва мафкурани тарғиб-ташвиқ қилишда мутахассислар роли ва масъулияти. Миллий ғояни оммага трансформация қилишда кадрлар корпусини шакллантиришнинг зарурияти.

Кадрларнинг салоҳиятини оширишда "Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Қонуни" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" да белгиланган вазифаларни амалиётга тадбиқ этишнинг аҳамияти.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда дарслик ва услубий қўлланмалар асосида билимларни мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмаларни ўқув воситаларини тайёрлаш тавсия этилади.

Семинар машғулотлари учун тавсия этилаётган тахминий мавзулар:

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Фаннинг тарихий илдизлари, шаклланиши ва такомиллашиш омиллари. Миллий ғоя, ижтимоий тараққиёт ва мафкуравий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ғоявий таҳдидларнинг йўналишлари, Мафкуравий тажовуз ва ахборот хавфсизлиги. Ижтимоий сиёсий муносабатларнинг глобаллашуви жараёнида мафкуравий иммунитет. Жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий ғоявий асослари. Тафаккур ўзгариши ва маънавий янгиланишда миллий ғоянинг роли. Миллий ғояни ривожлантиришнинг институционал тизими.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни:

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор талабанинг берилган мавзулар (амалий масалалар, топшириқлар ва кейс-стадилар)ни мустақил равишда, яъни аудиториядан ташқарида бажариши, ўқиб ўрганиши ва шу йўналиш бўйича билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришига қаратилади. Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- мустақил ишлар, кейс-стадилар билан ишлаш;
- махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан талабаларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, маъруза тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

Тавсия этилаётган тахминий мустақил иш мавзулари:

1. Миллий ўз -ўзини англашнинг этномадиният ривожига таъсири.
2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш барқарор тараққиёт омили.
3. Иқтисодий барқарорлик маънавий- маданий камолот омили.
4. Таълим ва тарбия миллий мафқуранини англаш воситаси.
5. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги аҳамияти.

6. Сиёсий хаёл ва сиёсий ҳаёт уйғунлиги.
7. Сиёсий менталитет моделлари.
8. Сиёсий менталитет ва сиёсий жараёнлар диалектикаси.
9. Мафкуравий тарбия йўналишлари ва функциялари.
10. Бунёдкор ғояларнинг гуманистик характери.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишда замонавий (хусусан интерфаол) методлар, ахборот коммуникация (медиа-таълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологияларининг қўлланиши назарда тутилади. Фанни ўқитишда электрон дарсликдан, мавзуга оид теледисклардан ва бошқа кўргазмалардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Давлат тили ҳақида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 22 б.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Шарқ, 1997. – 63 б.
4. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1989. – 30 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
7. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
8. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4- жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1996.–349 б.
9. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
10. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент : Шарқ, 1998. - 31 б.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
12. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
13. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
14. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
16. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
17. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12 - жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2004.- 400 б.
18. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005.-448 б.
19. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.-318 б.
20. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008.-366 б.

21. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.-280 б.
22. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари . 18 -жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -280 б.
23. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
25. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.24.
26. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. –Т.: Ўзбекистон, 2010
27. Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
28. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
29. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -370 б.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.:Ўзбекистон, 2000.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (ўқув қўлланма). Назаров Қ тарҳири остида. Т.: Янги аср авлоди, 2002
3. Миллий истиқлол ғояси (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик). Эршашев И таҳрири остида. –Т.: Академия, 2005.
4. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. –Т.: Маънавият, 2007.
5. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. -Т.: Ижод дунёси, 2002.
6. Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
7. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси .- Т.: Академия, 2011.
8. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. –Т.: Маънавият, 2008.
9. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

Қўшимча адабиётлар:

1. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Назаров Қ. таҳрири остида. -Т.: Маънавият, 2009.
2. Абилов Ў. Миллий ғоя: маънавий омиллар. Т.: Маънавият, 1999.
3. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислоҳ Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. -Т.: 2000 йил.
4. Гафарли М.М. Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт омили. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: 2002.
6. Мамашокиров С. ва бошқалар. Ўзбекистонда янги жамият қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: 2004.
7. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Назаров Қ таҳрири остида. –Т.: Академия нашриёти. 2007.
8. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. -Т.: 2002.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. -Т.: 2002.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. (Қисқа изоҳли тажрибавий луғат) -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
11. Мустақиллик мафкуриси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: Университет, 2001.
12. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Хоназаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2000.
13. Мусаев Ф. Демократик жамият қуришнинг фалсафий асослари.-Т.: 2008.
14. Ортиқов М., Усмонов М. Ғоя ва мафкура. –Т.:Янги аср авлоди, 2001.
15. Отамуродов С., Мамашокиров С. Марказий Осиёда мафкуравий жараёнлар.-Т.: 2001.
16. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. –Т.: 2008.
17. Гуйчиев Б. Политическая культура и демократизации общества. – Т.:НУУз, 2010.
18. Фалсафа: қомусий луғат. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2004.
19. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. –Т.:Маънавият, 2002.
20. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.:Тафаккур, 2009.
21. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. –Т.: Академия, 2008.

Электрон таълим ресурслари:

1. “Халқ сўзи” газетаси –[www info XS. Uz](http://www.infoXS.Uz).
2. “Туркистон” газетаси - [www turkiston sarkor. uz](http://www.turkiston.sarkor.uz).
3. “Маърифат” журнали - [www ma'rifat – inform](http://www.ma'rifat-inform).
4. “Жамият ва бошқарув” журнали - [www rzult academy freenet uz](http://www.rzult.academy.freenet.uz).
5. “Мозийдан садо” журнали - [www moziy dostlink. Net](http://www.moziy.dostlink.Net)
6. [www. Ziyo net.uz](http://www.Ziyo.net.uz).